



СУД-БАЛЛИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДА ЎҚ ОТИШ ШАРОИТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ОИД ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Зулфуқоров Абдувахоб Абдумалик ўғли

ИИВ Академияси Криминалистик экспертизалар
кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD) доцент, майор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20955493>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 23-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 25-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 27-iyun 2026 yil

KEY WORDS

ўқотар қурол, патрон,
қуролнинг ишлатиш излари, ўқ
отиш шароитлари, ўқ отиш
масофаси, хусусият, белги,
экспертиза, тадқиқотлар,
қуролнинг тўсиққа нисбатан
жойлашуви, ўқ отиш
шароитларининг
таснифланиши.

ABSTRACT

Мазкур мақолада суд-баллистик экспертизада ўқ отиш шароитлари ҳақидаги илмий билимларни тизимлаштириш муаммолари таҳлил қилинган. Суд баллистикаси соҳасидаги илмий билимларнинг ривожланиш босқичлари, ушбу билимлар асосида шаклланган қонуниятлар ҳамда назарий-амалий ёндашувлар асосида ўқ отиш шароитларига оид маълумотларни тизимлаштиришнинг илмий-методологик аҳамияти очиб берилган.

Муаллиф томонидан ўқ отиш шароитларига оид илмий билимларни тизимлаштиришда криминалистик аҳамиятга эга омиллар мажмуаси тақлиф этилган. Ушбу омиллар конструктив (қурол тузилиши билан боғлиқ) шароитлар, функционал шароитлар (қурол ва патронларнинг техник ҳолати), ташқи муҳит таъсири, шу жумладан ёнғин ва бошқа экстремал ҳолатлар таъсири, шунингдек, ўқ отиш натижасида шикастланган объектнинг (тўсиқ, нишон) физикавий-структуравий хусусиятлари таъсири каби йўналишларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, қурол ва шикастланган объектнинг ўқ отишдан олдинги фазовий ўзаро жойлашувини акс эттирувчи ситуациявий-фазовий шароитлар ҳамда ўқ ҳаракатининг хусусиятларига оид омиллар тизимли кўрсатилган. Бу эса ўқ отиш жараёнини комплекс криминалистик таҳлил қилиш имкониятини кенгайтиради.

Қуроллар, патронлар ва уларнинг қўлланилиши натижасида қоладиган изларни экспертиза қилиш самарадорлиги, бошқа омиллар қаторида, воқеа содир бўлган жойда ўқ отиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳамда объектлардаги белгиларнинг, жумладан ўқ отиш изларининг шаклланиш жараёнига таъсир этган шароитларни инобатга олган ҳолда

белгиланади. Бундай натижага эришиш фақатгина суд экспертнинг билимлари тизимли ёндашувга асосланган бўлса, фан ва амалиётда маълум бўлган ўзаро таъсир шароитлари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқликлари тўлиқ ҳисобга олинган тақдирда мумкин бўлади. Бу эса билиш ва тадқиқот жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Суд баллистикаси бўйича илмий билимларнинг ривожланиши шуни кўрсатадики, ўқ отиш шароитлари тўғрисидаги маълумотлар доимо тизимли хусусиятга эга бўлади. Шу билан бирга, бундай билимлар асосида аниқланган қонуниятлар фақат маҳаллий (локал) тизим элементларининг ўзаро таъсири натижаларини акс эттиради, яъни: “алоҳида объект – аниқ ўзига хос шарт-шароит – алоҳида натижа” [1]. Демак, бу ҳолатда суд эксперти содир бўлган ҳодисанинг шарт-шароитларини аниқлаш бўйича вазифаларни самарали бажариши учун етарли даражада умумлашмаган тарқоқ билимлар тизимига дуч келади.

Бундай ёндашув суд баллистикасида ўқ отиш шароитлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни, шунингдек, суд-баллистик экспертизаларни ўтказиш амалиётининг моҳиятини белгилайди. Шу нуқтаи назардан, ўқ отиш шароитлари ва уларнинг ўзаро таъсирлашувчи объектларнинг белгилар ҳамда хусусиятларининг намоён бўлишига таъсир қонуниятлари тўғрисидаги илмий билимларни тизимли равишда шакллантириш зарурати юзага келади.

Илмий билимларни бундай тарзда шакллантириш қурол, патронлар ва уларнинг таъсир изларини экспертиза тадқиқотларини ўтказишда илгари мавжуд бўлган ёндашувни такомиллаштиришга ҳамда суд баллистикаси бўйича илмий билимлар салоҳиятини кенгайтиришга имкон беради.

Таъкидлаш жоизки, тизимлаштириш билим воситаси сифатида илмий ва амалий вазифаларни бажаришда кенг қўлланилади [2, с.379-383; 3, С.296-299] ҳамда уни амалга ошириш усуллари ва воситалари бир неча бор самарали эканлиги исботланган. Шу билан бирга, суд баллистикасида ўқ отиш шароитлари тўғрисидаги маълумотларнинг тизимлилиги қуйидагиларни таъминлаш учун мўлжалланган:

- қурол, патронлар ва уларнинг таъсир қилиши изларини экспертиза тадқиқотлари вазифаларини ҳал қилишда ҳисобга олишни талаб қиладиган ўқ отиш шароитлари рўйхатини ажратиш;

- муайян ўқ отиш шароитлари таъсирини акс эттирувчи объектларнинг ўзаро таъсирлашишидаги боғлиқликлар тизимини ажратиш;

- ўқ отиш шароитларини, илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилишга оид муҳим асосларга кўра, таснифлаш.

Тизимлаштиришнинг асосий (таянч) элементи сифатида, фикримизча, экспертиза тадқиқотлари объектларини – криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг асосий ташувчилари бўлган қуроллар, патронлар ва уларнинг таъсир кўрсатиши изларини – кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг белги ва хусусиятлари ўқ отиш шароитларининг қурол қисмлари ва механизмларининг ишлаши жараёнларига таъсирини, ўқнинг (снаряднинг) қурол стволи каналидаги ҳаракатини, ўқлар ва гильзаларда изларнинг ҳосил бўлишини, порох газлари оқимининг стволдан чиқиб кетиш жараёнларини, шикастланган тўсиқларда (нишон) ўқ отиш излари ҳосил бўлишини акс эттиради.

Билишнинг ушбу чизмасида (схема) ўқ отиш шартлари – маълум хусусиятларни акс эттирувчи объектлар (қуроллар, патронлар, шикастлаган объектлар) ва бундай акс этиш натижаси – ўқ отиш пайтида ҳосил бўлган излар ўртасида – оралиқ ҳолатни эгаллайди. Шу билан бирга, улар ўзаро таъсирлашувчи объектлар яхлит тизимининг муҳим элементиدير.

Таъкидлаш жоизки, ўқ отиш шароитларининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб - уларнинг вазиятлилиги ва таъсирнинг мураккаб табиати ҳисобланади. Яъни, ҳар бир ҳолатда ушбу таъсирнинг умумий натижасини кўриш мумкин ва ўқ отиш шароитлари рўйхати муайян ҳолат билан белгиланади.

Назарий жиҳатдан бундай асосга таянган билиш модели ўқ отиш шароитлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш ҳамда уларнинг қурол, патрон ва уларнинг таъсир қилиши изларининг хусусиятлари ва белгиларининг ифодаланишига (намоён бўлиши) таъсирини тушуниш учун зарур шарт-шароитларни яратади, суд баллистикасида олдиндан маълум бўлган ахборот ва маълумотларни янгилари билан тўлдиришга имкон беради. Амалий нуқтаи назардан эса, ўқ отиш шароитларини тадқиқот объектларига боғлаш экспертиза тадқиқотларини ўтказишда бу каби маълумотлардан фойдаланиш учун қулайдир.

Шундай қилиб, умум назарий ва амалий жиҳатдан тизимлаштириш масаласи “хусусият” ва “белги” категорияларини шаклланган билиш моделининг элементлари сифатида таҳлил қилишдан бошланиши керак.

Криминалистик тадқиқотлар объектларининг белги ва хусусиятлари ҳақидаги замонавий илмий ғоялар асосан Р.С. Белкин томонидан ишлаб чиқилган, нарсанинг (жисм, буюм, объект) хусусиятлари - унинг бирон бир жиҳатини ёки бошқа нарсалар ва ҳодисалар билан муносабатларини тавсифловчи нарса деб белгиланган ёндашувга таянади [2, с.82]. Нарсанинг (жисм, буюм, объект) хусусиятлари, муаллифнинг фикрича “... субъектнинг онгидан қатъи назар, объектив равишда мавжуд бўлади. Уларни сезги ва ҳислар билан аниқлаш мумкин эмас, чунки сезги материянинг бизнинг сезги органларимизга таъсири натижасидир. Хусусиятлар ташқи, юзаки бўлиши ва ушбу нарсанинг ҳодисасини – ташқи кўриниши, моҳиятини ифодалаш шаклини – акс эттириши мумкин; хусусиятлар нарсанинг ички мазмуни ва таркибига, моҳиятига, унинг элементларининг ички боғлиқликларига ҳам тегишли бўлиши мумкин” [2, с.82].

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, “Суд-баллистик экспертизаси объектларининг доираси анча кенг, ўзгарувчан ва доимий равишда ўсиб бориш хусусиятига эга. Суд-баллистик экспертизасининг объектлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар сирасига турли хил буюмлар, моддалар, жароҳат ва шикастланишлар ҳамда моддий қайд этилувчи акслар ёки тасвирлар киради [4, б.24]. Ушбу фикрларни Т.В. Аверьянова, Е.Р. Россинская, Н.П. Майлис, А.М. Зинин каби етакчи маҳаллий криминалист олимлар ва бошқалар томонидан маъқулланган. Жумладан, объектнинг шакли ва мазмун-моҳиятининг ўзаро боғлиқлигини маъқуллаб, Т.В. Аверьянова, ривожланишнинг маълум бир босқичида мазмун-моҳиятнинг ўзгариши шаклнинг ўзгаришига олиб келишини таъкидлайди. Ҳар қандай объектни, шу жумладан экспертизанинг тадқиқот объектини тадқиқотлари шаклдан мазмун-моҳиятга томон йўналган бўлади. Шакл ҳам, мазмун-моҳият ҳам белги ва хусусиятлар орқали ифодаланади [3, с.214].

Объектларнинг белги ва хусусиятларининг муаммолари бўйича илмий баҳсларда моддий дунё объектларини тавсифловчи хусусиятларнинг кўплиги ҳам ҳисобга олинади. Шу билан бирга, "...уларни тўлиқ билиш ва ўрганиш мумкин эмас, одатда тадқиқотчи ўзи учун зарур бўлган баъзи хусусиятларни ўрганиш билан чекланади. Суд эксперти ўзига берилган тадқиқот қилиб, фақат берилган саволларига жавоб беришга имкон берадиган хусусиятларини ўрганади" [5, с.92].

Экспертиза тадқиқотлари объектларининг белги ва хусусиятларини баҳолаш бўйича махсус адабиётлардаги маълумотларга таяниб [4], суд-баллистик экспертиза объектларининг белги ва хусусиятлари тизимини ажратиш кўрсатиш керак. Жумладан, кўрилатган масалани ҳал қилишда, объектларнинг белги ва хусусиятларини гуруҳларга – тузилишга оид (конструктив), морфологик, функционал, энергиявий, баллистик ва технологик – кабиларга бўлиш таклиф қилинган [7, с.333-340], шу билан бирга, белги ва хусусиятларнинг ушбу рўйхатига мурожаат қилиш суд-баллистик экспертизасининг тадқиқотлари объектларини иложи борида тўлиқ, ҳар тарафлама ва кўп томондан кўриб чиқишга имкон беради.

Бу ўқ отишнинг кўплаб ситуацивий таъсирларининг объектнинг белги ва хусусиятларининг ифодаланишига таъсирини тўғри тушунишда, уларнинг ўзаро таъсирлашишдаги боғлиқликларини аниқлашда ҳамда ажралиб турадиган қонуниятларини тушунтиришда муҳим аҳамият каб этади.

Ўқ отиш шароитлари бўйича илмий билимларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда уларнинг қурол, патронлар ва уларнинг таъсири изларининг суд-эксперт тадқиқотлари объектларининг белги ва хусусиятларининг ифодаланишига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ўқ отишнинг криминалистик аҳамиятга эга шартларнинг рўйхати ҳамда уларнинг тизимдаги тузилиши таклиф этилади:

1. *Конструктив (тузилишга оид) шароитларнинг таъсири.* Унинг элементларининг биргаликдаги таъсири қуйидагилар билан аниқланади:

ўқотар ва газ қуролларнинг умумий тузилиши (тури, русуми ва намунаси); қуролнинг калибри; отиш учун ишлатиладиган патрон намунаси; қурол қисмлари ва механизмларининг тузилиши; қурол автоматикасининг ишлаш принципи; қуролни ишлаб чиқариш усули.

2. *Функционал шароитларнинг таъсири – қурол ва патронларнинг техник ҳолати.* Қурол ва патронларнинг функционал шароитларининг таъсири натижалари қуйидагилар ёрдамида аниқланади:

– қуролнинг қисмлари ва механизмлари, патроннинг таркибий қисмларининг мавжудлиги ва техник ҳолати, бу хусусиятлар қуролнинг нормал ишлашига ёки носозликларнинг намоён бўлишига, ўқ отиш ҳодисасининг жараёни ҳамда хусусиятларига, қуролнинг мўлжалланган мақсадига кўра қўлланилишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ўқотар қуролнинг жанговар пружинаси одатий иш тартибида қурол ургичига, патрон капсюлини ёниб кетиши, гильзадаги порох зарядининг портлаши ва умуман, ўқ отишнинг белгиланган тартибда кечиши учун етарли бўлган энергия берилишини таъминлайди. Жанговар пружинанинг заифлашиши эса ўқ отишни узилишига, узоқ муддатли отишга, ўқ отиш ҳодисасининг жараёнлари ва хусусиятларининг ўзгаришига, тўсиқларда (нишон) ўқ отишнинг одатдагидан фарқ қиладиган изларини акс этишга сабаб бўлади;

– қуролнинг қисмлари ва механизмларида, патрон таркибий қисмларида бегона моддаларнинг мавжудлиги, уларнинг кўп миқдори қуролнинг ишлаш жараёнини ўзгартириб юбоиши мумкин ёки қуролни тўғри ишлашига умуман тўсқинлик қилади. Бу каби бегона моддалар турли хил қатламланишлар бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши қуролдан ўқ отиш натижалари (қурол қисмлари ва механизмлари ҳамда қурол стволида порох газлари қурумнинг ўтириб қолиши, қурол стволи каналининг металланиши), қурол ва патронларни ноқулай шароитларда сақлаш натижасида юзага келади.

Буларнинг барчаси қуролларнинг нотўғри ишлашига, зангалб кетишига, тузилиш хусусиятларининг ўзгаришига, порох заряди хусусиятлари ва патрон капсулининг ёндирувчи таркибини ёмонлашишига олиб келади. Ушбу рўйхатга, шунингдек, ствол канали қурол мойи қатлами билан қопланган қуролдан ўқ отиш ҳолатлари, узоқ вақт ўқ отиш туфайли стволи ҳаддан ташқари қизиб кетган қуролдан ўқ отиш ҳолатларини ҳам киритиш мумкин.

3. Ташқи муҳит шароитлари ва ёнғин ҳодисаларининг таъсири. Қурол ва патронларнинг хусусиятлари ва белгиларининг намоён бўлишига таъсир кўрсатадиган фанда ва амалиётда маълум бўлган атроф-муҳит шароитлари турлари сирасига қуйидаги киради:

- ҳавонинг салбий – 100°C дан паст ҳарорати;
- ёнғин натижасида ҳосил бўлган иссиқлик таъсири;
- кучли қарама-қарши ва ёндан эсувчи шамол;
- кучли ёмғир.

4. Ўқ отишда шикастланган объектнинг (тўсиқ, нишон) тузилиши ва унинг физикавий хусусиятларининг таъсири. Кўрсатилган шароитлар гуруҳини қуйидагилар кўрсатади:

- объектнинг ўлчамлари ва унинг физикавий хусусиятлари (материал тури, мустаҳкамлиги, эластиклиги);
- объектнинг тузилиши (монолитик, кўп қатламли), унинг тузилиши ва бошқа хусусиятлари (қатламлар сони, улар орасидаги масофа ва бошқ.);
- объектнинг асосий ва қўшимча ўқ отиш маҳсулотларининг механик (уриш), иссиқлик, кимёвий таъсирларга нисбатан ҳолати (реакцияси);
- объектни ўқ ёки порох газлари оқими таъсирида бузилиши механизми, бузилишнинг бошқа локал турлари.

5. Қурол ва шикастланган объектнинг (тўсиқ, нишон) ўқ отишдан олдинги ўзаро жойлашишини акс эттирувчи ситуациявий-фазовий шароитлар. Ушбу шароитлар гуруҳига қуйидагилар киради:

- ўқ отиш масофаси;
- қуролнинг ўқ отиш пайтида тўсиққа нисбатан жойлашув бурчаги.

6. Таъсирнинг энергиявий шароитлари. Бу шароитлар отилган ўқнинг учиш траекториясининг керакли соҳаларида ёки ўқнинг (снаряд) тўсиқ (шикастланган объект) билан учрашгандаги кинетик энергиясининг кўрсаткичлари билан ифодаланади.

Ушбу шароитларнинг намоён бўлишининг хусусий ҳолатларига ўқнинг узоқ масофадан отишда, зич ва қаттиқ тўсиқдан ўтишида, узилиб ўқ отиш жараёнлари туфайли снаряднинг энергиясининг йўқолиши (камайиши) кабиар киради.

Ўқ отиш шароитлари таъсирини акс эттирувчи объектларнинг ўзаро таъсирининг боғлиқлик тизимини танлаш. Ўқ отиш шароитларининг таъсири натижасида ҳосил бўлган ўзаро боғлиқлиги тизимини ажратиш ва таҳлил қилиш ўқ, гильза ва тўсиқларда отиш жараёнида ҳосил бўлган изларнинг ҳосил бўлиш механизми ҳамда хусусиятларини тушунтиришга қаратилган. Бу ҳолат аниқланган изларни баҳолашда, эксперт хулосаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Криминалистика ва суд экспертизасида турли йилларда экспертизанинг тадқиқот объектлари ва ҳодисаларни тавсифловчи боғлиқлик тизимлари муаммосини ҳал қилишга бўлган ҳаракатлар илмий билимларни тизимлаштиришнинг асосий тушунчалари ва усулларини такомиллаштириш, аниқланган илмий билимлар ҳажмини таснифлаш, умумий криминалистика назариясининг махсус бўлими – криминалистик тизимлаштириш тузилишидаги боғлиқликлар тоифасининг аҳамияти ва ўрнини аниқлаш зарурлигини кўрсатди [2, с.379-380].

Экспертиза тадқиқотлари давомида ишлатиладиган ва фанга олдиндан маълум бўлган боғлиқлик шакллари (генетик, функциявий, ҳажмий, субстанционал ва қайта ҳосил қилиш боғлиқлиги)ни, ўқ отишнинг криминалистик аҳамиятга эга бўлган шароитларининг текислигида ўрганиш амалий жиҳатдан ушбу боғлиқликларни тавсифлашга, ўрганилаётган жараёнлар ва изларнинг хусусиятларини тушунтиришда уларнинг ролини очиқ беришга имкон беради.

Ўқ отиш пайтида объектларнинг ўзаро таъсирини ва ўқ отиш шароитларининг объектларнинг белги ва хусусиятларининг намоён бўлишига таъсирини акс эттирувчи асосий боғлиқлик тури генетик алоқа, яъни, сабаб ва оқибат ўртасидаги, шароит ва ўзаро боғлиқ муносабатлар ўртасидаги боғлиқликдир.

Бошқа турдаги боғлиқликларнинг табиати генетик боғлиқликдан келиб чиқади ҳамда илмий ва амалий вазифаларни ҳал қилиш учун ўзаро таъсирлашиш жараёнларининг алоҳида жиҳатларини ажратиш зарурати билан аниқланади.

Генетик боғлиқлик криминалистик жиҳатдан ҳодиса моҳиятини келиб чиққан натижаларга боғлиқлигини, муаян шароитларда ҳодисанинг юз бериши мумкинлигини, ҳодиса ва оқибат ўртасида сабабий боғлиқлик мавжудлигини акс эттиради. Ўқ отиш шароитларининг ўзаро таъсирлашувчи объектларнинг белги ва хусусиятларини акс эттиришга таъсири қонуниятларини билишда генетик боғланиш элементларини ажратиш ва уларни ҳисобга олиш – амалга оширилган ҳаракат ва унинг натижаси ўртасида сабабий боғлиқликни аниқлашга имкон беради.

Индуктив ёки дедуктив шаклда мулоҳаза қилиш, экспертиза тусмолларини илгари суриш ва текширишларни ўз ичига олган билиш жараёнларининг натижаси – ўзаро таъсирлашувчи объектлар хусусиятларининг ўзига хос намоён бўлиши билан ўқ отишнинг ўзига хос шароити ўртасида сабабий боғлиқлик борлиги ҳақидаги тадқиқотчининг хулосалари ҳисобланади. Масалан, шикастланган тўсиқдаги кириш тешиги атрофида ўқ отишнинг кичик ўлчамли қурумнинг мавжудлиги (жойлашиши), қурумнинг аниқ ифодаланган чегаралари билан биргаликда, олов-ўчиргичли ўқотар қуролдан фойдаланилганлик тўғрисида ишчи тусмолни илгари суришга имкон беради.

Илмий ёки амалий тадқиқотлар мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, сабабий боғлиқликни ажратиш кўрсатиш қуйидаги нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқирилиши мумкин:

сабабдан оқибатга; умумий сабабдан оқибатлардан бирига; умумий оқибатдан сабаблардан бирига.

Ўқ отиш шароитларига боғлиқ муаммоларда юқоридаги ҳолат - уларнинг изларни ҳосил бўлиш жараёнларига, изларнинг ўзига хос морфологиясига ва жойлашиш топографиясига таъсири қонуниятларини ажратиш учун имкониятларни билдиради. Шу билан бирга, бундай билиш жараёнлари ўзаро таъсирлашишнинг нафақат оддий, балки мураккаб (кўп элементли ва кўп даражали) ҳолатларини ҳам қамраб олади.

Фикримизча, суд баллистикаси учун генетик боғлиқликнинг функционал турини ажратиб кўрсатиш долзарб. Чунки функционал боғлиқликнинг мавжудлиги ўзаро боғлиқ жараёнларнинг ва ўзаро таъсирлашишнинг белгилари билан ажратиладиган ўқ отиш шароитларининг таъсири қонуниятлари вазифалари нуқтаи назаридан ўқ отишнинг сабаби ва оқибатларини кўриб чиқишга имкон беради. Бунга мисол сифатида снарядларнинг энергияси кам бўлган шароитда ўқ отишдан шикастланишнинг ҳосил бўлиши, кўп ўқ отиш натижасида ҳаддан ташқари қизиқ кетган стволли қуролдан ўқ отишдаги ички ва ташқи баллистика жараёнлари, сезиларли даражада эскирган стволли қуролдан ўқ отиш кабиларни айтиш мумкин ва бошқ.

Фан ва амалиётда маълум бўлган, отилган ўқлар, гильзалар ва ўқ теккан нишонлардаги (тўсиқ) изларнинг хусусиятлари ва уларнинг ҳосил бўлиш жараёнларига ўқ отиш шароитларининг бошқа турдаги таъсирларини таҳлил қилиш ҳам маълум аҳамиятга эга. Масалан, яқин масофадан ўқ отиш натижасида ҳосил бўлган ўқ отиш шикастланишлари ёки бир гуруҳ ўқ отиш шикастланишлари доирасида, ўқ отишнинг қўшимча маҳсулотлари манзарасида ҳажмий боғлиқликлар мавжуд бўлишини инкор этиш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Шунингдек, ушбу юқоридаги қоида субстанционал боғлиқлик ва ўзгаришга оид боғлиқликларнинг намоён бўлишига ҳам тегишли бўлади. Ўқ отишнинг конструктив (тузилишга оид) шароитларининг, ўзининг қурол ва патронларни ишлаб чиқариш усули каби жиҳати билан боғлиқ бўлган таъсири, баъзи ҳолларда нафақат объектларнинг хусусиятларини, балки экспертиза вазифаларини ҳал қилиш усуллари билан белгиланадиган ёндашувларни ҳам намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди. Тегишли изларни техник-криминалистик воситалар ва услублар ёрдамида аниқлаш, шунингдек суд эксперти томонидан шу йўл билан аниқланган маълумотлар билан ишлаш экспертлик амалиётида кенг қўлланилади.

Шундай қилиб, ўқ отиш шароитлари ҳамда ўқлар, гильзалар ва тўсиқларда из ҳосил бўлиши жараёнида уларнинг ролини аниқлаш масалаларида, ўқ отишда ўзаро таъсирлашувчи объектлари ўртасида юзага келадиган боғлиқликлар тизимини ҳисобга олиш ва баҳолашга ишониш учун барча асослар мавжуд. Боғлиқликларнинг бир ёки бир нечта турига эътибор қаратиш эса илмий ёки амалий тадқиқотлар мақсади, ҳал қилинадиган вазифаларнинг хусусиятидан келиб чиқади.

Ўқ отиш шароитларининг таснифлаш улар ҳақидаги маълумотларни тартибга солиш воситаларидан биридир. Ўқ отиш шароитлари тўғрисидаги илмий билимлар ҳажмини турли асосларга кўра гуруҳлаш – билиш жараёни учун муҳим бўлган қурол, ўқ-дорилар ва уларнинг таъсири изларининг бир қатор муҳим томонларига, уларнинг боғлиқлиги ва ўзаро таъсирларига эътибор қаратишга имконини беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ўқ отиш шароитларини қурол, ўқ-дорила ва уларнинг таъсири изларининг акс этишига таъсир кўрсатишига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) ўзаро таъсирлашиш объектининг ҳосила эканлиги белгисига кўра:

- қурол (тузилишга оид ва функционал хусусиятлар) таъсирининг шароитлари;
- патронлар ва улар снарядларининг (тузилишига оид, функционал ва энергиявий хусусиятлари) таъсирининг шароитлари;
- шикастланган объект хусусиятларининг (мустаҳкамлиги, қатламлари сони, тўсиқнинг ўқ тегишида бузилиши механизми ва бошқ.) таъсирининг шароитлари;

2) табиий ҳодисанинг ҳосиласи эканлиги белгисига кўра:

- атмосферанинг паст ҳарорати (қурол ва патронларнинг музлаб қолиши, қурол мойининг музлаб ёки қуюқлашиб қолиши) таъсирининг шароитлари;
- ёнғин натижасида ҳосил бўлган юқори ҳарорат таъсирининг шароитлари;
- ёмғир, кучли (қарама-қарши, ён томондан эсувчи) шамол таъсирининг шароитлари;

3) қуролнинг, унинг ишлаб чиқариш усули, қўллаш ва ишлатиш натижалари ҳосиласи эканлиги белгисига кўра:

- технологик хусусиятларининг шароитлари – объектларнинг белги ва хусусиятларининг ифодаланиши қурол, патрон ва снарядларни маҳсулот (завод усулида, хунармандчилик усули ва қўлбола усулда ишлаб чиқарилган) сифатида ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади;
- маҳсулотларнинг ишлатиш натижаси сифатидаги шароитлар (қурол қисмлари ва механизмларининг уйилиб кетиши; қурол стволи каналининг металланиши; патрон капсюли уячасидаги сандоннинг жойлашиш ҳолатининг ўзгариши ва бошқ.);
- ўқ отиш пайтида юзага келадиган вазиятнинг шартоилари (ўқ отиш пайтида объектларнинг ўзаро жойлашиши; ствол оғзи кесимдан шикастланиш объектигача бўлган масофа ва бошқ.);

4) таъсирнинг давомийлиги белгисига кўра:

- доимий таъсир қилувчи шароитлар (қурол ва патронларнинг тузилиши, объектнинг тузилиши ва физикавий хусусиятлари);
- вақти бўйича шошилиш таъсир кўрсатиш шароитлари (ёмғир, совуқ ҳарорат омилларининг таъсири, снаряднинг учиш траекториясининг турли соҳаларида энергиявий хусусиятлари);

5) таъсир кўрсатишнинг тузилишга оид боғлиқлигининг турига кўра:

- бевосита таъсир кўрсатиш шароитлари (қурол тузилишининг белги ва хусусиятларининг ифодаланишини таъсири ва бошқ.);
- билвосита таъсир кўрсатиш шароитлари (масалан, АК-74М Калашников русумли автомат затворининг ургич уячасида қурол мойини қуюқлашиб (музлаб) қолиши ва ургичнинг уячада ноодатий тарзда ушланиб қолиши ва бошқ.);

6) ўқ отишда ва излар ҳосил бўлишида юзага келадиган шарт-шароитларнинг сонига кўра:

- таъсир кўрсатишнинг ягона шароити;
- таъсир кўрсатишнинг бир нечта шароитлари.

Юқоридаги барча фикрлар ўқ отиш шароитлари ва уларнинг ўқотар қуролдан ўқ отиш натижасида келиб чиқадиган ўқлар, гильзалар ва тўсиқлардаги изларнинг ҳосил бўлиши ҳамда хусусиятларига таъсири тўғрисидаги, суд баллистикасида маълум бўлган маълумотларни тизимли қўриб чиқиш ва баҳолаш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Буларнинг барчаси умуман жиноятларни очиш ва тергов қилиш учун қурол, патрон ва уларнинг таъсири изларини экспертиза тадқиқотларининг самарадорлигини ошириш учун мўлжалланган.

Иқтибослар/Сноски:

1. Латышов И.В. Особенности огнестрельных повреждений на многослойных объектах // Экспертная практика. – 2005. №58. – С.64-70.
2. Белкин Р.С. Курс криминалистики: учебное пособие для вузов в 3-х томах. – Т.1: Общая теория криминалистики. – М., 1997. – 837 с.
3. Аверьянова Т.В. Судебная экспертиза. Курс общей теории: для использования в учебном процессе по специальности “Судебная экспертиза”. – М., 2009. – 480 с.
4. Хасанов Ш.Х., Тураббаев Х.А., Хусанов А.Д. Баллистик экспертиза: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 444 б.
5. Россинская Е.Р., Галяшина Е.И., Зинин А.М. Теория судебной экспертизы: учебник / под ред. Е.Р. Россинской. – М., 2009. – 382 с.
6. Латышов И.В. Свойства и признаки стрелкового огнестрельного оружия как объекта диагностической судебно-баллистической экспертизы / Криминалистика и судебная экспертиза: наука, обучение, практика / под общ. ред. С.П. Кушниренко: 8-я (внеочередная) Международная научно-практическая конференция. – Санкт-Петербург. 2012. – С.333-340.

INNOVATIVE
ACADEMY